


[illegible]



Домж тайёрий!

Н. Муҳаммаджонов фототюди.

ҲИНДИСТОН КИНОСАНЪАТИ



Ҳиндистон киносанъати мураккаб тарихий йўлни босиб ўтди. Унинг бошланғич тарихи асримизнинг ўн учинчи йилларига бориб тақалади. Илк мартаба 1912 йилда «Харипчанд» овозсиз бадиий фильми яратилди. 1930 йилда биринчи овозли фильм — «Олам аро», 1937 йилда эса биринчи рақс фильм — «Канкан» кинотеатрлари юзасига келди. Бирок, ҳали Ҳинд кинематографияси ўзини ўнглаб олмаган йўқ эди. Шунинг учун ҳам кинорежиссёрлар охирига келиб, Америка Қўшма Штатларининг савдо ширкатлари кинематографиясини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

1971 йили Америка Қўшма Штатларининг кинорежиссёрлари билан муносабат бутунлай ўзгариб кетди. Ҳозирги кунда Ҳиндистон ҳукумати фильм ишлаб чиқариш шакли бўлишларини ҳам янги йўналишга солиш учун ҳаракат қилмоқда. Бу курашнинг таъсири янги яратилган киносанъатларда ўз аксини топди. Ҳиндистон журналисти Б. Уотсинг ёзишча, шу йилнинг бошларида Парижда ўтказилган янги йўналишдаги Ҳинд фильмлари фестивали бўлиб Франция матбуоти диққатини жалб этди.

Эдик инки йиллик тарихга эга бўлган Ҳинд киносанъати шунга яраша кинематография қадрларини ҳам еттиштириб берди. П. С. Баруа, Девенд Бос, Шантарам, Нитин Бослар мамлакат киноси асосчилари ҳисобланса, кейинроқ мусул Раж Онан, Хўжа Аҳмад Аббос, Кришан Чандр, Али Сардор Жафарий, Наргис Датт (Фотима Рашид), Давид Абрахон, Микола Син, Сатяжит Рен, Нимой, Гуху, Дев Онан, Соира Бону, Раху, Бимал Рой, Сунил Датт, Раж Капур янгилик сценарийнавислар, режиссёр ҳамда операторлар Ҳинд киносанъатининг шаклланишига, дунё миқёсига кўтарилишига улкан ҳисса қўшдилар. Айниқса ёзуви, драматург, сценарийнавис, кинорежиссёр Хўжа Аҳмад Аббос билан Раж Капур фильмлари муҳим ўрин тутди. Бу иккала санъаткор машҳур «Дайди», «Жаноб-420» фильмлари яратилганидан тортиб, то ҳанузга қадар бирга ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Осн ва Африка мамлакатларининг иккинчи халқлари Тошкент кинофестивалида намойиш этилган уч серияли «Менинг исмим масхарабоз» кинокартинаси ҳам шу иккала санъаткор номи билан боғлиқ. Хўжа Аҳмад Аббос асосан фильмларнинг сценарийсини ёзса, Раж Капур уларни экранлаштириди, бош ролларни ўзи ижро этди.

Маълумки, Ҳинд киноларида қўшиқ ва рақсга аниқгина ўрин берилади. Албатта, маҳаллий халқ талаби ҳамда миялий анъаналарга мослаштириш юзасидан қўрилган тадбирлардир бу. Лекин, бу ҳол актрисалар ишини ҳаддан ташқари мурракблаштириб юборади. Шу боисдан қўшиқчи артистлар ҳам ўзларининг латиф овозлари билан тейланган иштирок этидилар фильмда. Шундай экан, Ҳинд киносанъати тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган актрисалар номини тилга олганда, ҳушовоз артистлар номини ҳам эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Раж Капур, Раж Кумар, Дипи Кумар, Викантимала, Наргис, Ашок Кумар, Мина Кумарий, Дев Онан, Раж Кумарнинг укалари Шамми ва Шаши Кумарлар, классик ёзуви Тагорнинг невараси Шармила Тагор, Воҳид Раҳмон, Иран, Мумтоз, Ум Иран, Нўтан каби ўнлаб киноактрисалар Ҳинд кинематографиясининг дунё миқёсига кўтарилиши учун жон куйдириб келатган бўлсалар, Лата Мангешкар, Шакар, Жейн, Лакшмикант, Парилал, Барман, Онал Бахш, Ревин, Мукеш, Муҳаммад Рафи, Кипор Кумар, Ҳана Мангешкар, Аша Бхосле, Махендр Капур сингари кўпгина машҳур Ҳинд қўшиқчилари киносанъатга жоюба ва таъсирчанлик бахш этиб келмоқдалар. Лата Мангешкарнинг ўзи шу пайтга қадар 400 дан зиёд фильмда қўшиқлар ижро этган. Уни тошкентлик кино мухлислари «Дайди», «Жаноб-420», «Санага» кинокартиналари орқали яхши билдилар. Лата бу фильмларда Рита, Видья, Радха образлари тилида айтаётган ашулалар кинотеатрга ёдирган.

Шунинг кайд этиб ўтиш керакики, Ҳинд фильмларида мавзу тақдирининг тез-тез қўлга ташланиб туради. Бу асосан сўлий қарама-қаршиллик ва тасолиф асосига қўрилган муҳаббат мавзуларига дайлроқ созилади. Батун фильмлар эса киноспектаклга ўхшаб кетади. Натигада мамлакатдаги бутунги кун воқеалари ҳамда кишилар ҳаёти манзараси акс этмай қолади. Лекин, бу камчиликлардан қатъий назар, кино

Ҳинд кино санъаткорлари Осн ва Африка мамлакатларининг ўн учинчи Тошкент халқаро кинофестивалида Ҳиндистон кино юлдузлари ҳам иштирок этмоқдалар. Суратда: Ҳинд актери Виджал Нирмала. Л. Глауберзон фотоси.



ОСН ва Африка мамлакатларининг ўн учинчи Тошкент халқаро кинофестивалида Ҳиндистон кино юлдузлари ҳам иштирок этмоқдалар. Суратда: Ҳинд актери Виджал Нирмала. Л. Глауберзон фотоси.

ХУЖУМ, ЯНА ХУЖУМ

«Пахтакор» ва «Қайрат» командаларининг учрашуви доимо бескин спорт кураши билан ўтади. Улар олий лигада 20 марта учрашган бўлса, шундан 7 тасида тошкентликлар, 7 тасида олматалликлар ғолиб чиққан. Олти учрашув эса дуранг натижа билан тугаган.

Тошкентлик ва олматаллик футболчиларнинг бу йилги учрашувида ҳам икки томон қарий тең курашди. «Қайрат» футболчилари олдинги «Пахтакор» дарвозасига кетма-кет тўплар киритди.

65-минутда Тўлаган Исоқов дўстлари оширган тўп билан рақиб дарвозасига яқинлашиб келатган бир пайтда «Қайрат» ҳимоячилари унга нисбатан қўполлик ишлатишди. Бу қўполлик эвазига олматалликлар ўн бир метрлик пенальти билан жазоландилар. Михаил Ан жарима тўшини рақиб дарвозасига тушириб ҳисобни 3:3 қилди.

Ҳисобнинг бунчалик тез ўзгаришини «Қайрат» футболчилари чамасин ҳеч қуттирмаган эди. Шунинг учун ҳам улар қандай бўлмасин ўз майдонларида пахтакорчилардан икки очко олиб қолиш учун ҳужумни кучайтирдилар. Ҳисобни тенглаштирган ҳам, шаҳарларимиз эса шу дамда бироз хотиржамликка йўл қўйишди. Ҳужумга берилиб кетиб, ҳимояни бўшаштиришди. Бундан фойдаланган рақиб ҳужумчиси А. Ионкин ўз майдончаларидан нари кетиб қолган ҳимоячиларимизни

енгилгина алдаб ўтиб, Сергей Поляков дарвозасига олмасдан турткин тўпин киритди ва ғалабани таъминлади.

Кейин майдонга тушган Б. Абдураимов ҳам, бошқа ўйинчиларимиз ҳам қанчалик ҳаракат қилшмасин, барбир ўз командаларини мағлубиятдан қутқара олинмади.

Энди «Пахтакор» командаси навбатдаги учрашувни 31 майдонда Тўлаган Исоқов билан ўтказди.

Бошқа командалар учрашувлари қўйилганча ақулланди: «Динамо» (Тб) — «Арат» — 1:0, «Шахтёр» — «Кавказ» — 2:1, «Заря» — «Днепр» — 1:1, «Нистру» — «Черноморец» — 1:2, «Динамо» (К) — «Спартак» — 1:0, «Торпедо» — «Динамо» (М) — 0:2.

Футбол бўйича мамлакат чемпионатида ўйнаган етти турдан сўнг командалар турнир жадалига қўйилганча жойлашди:

	У	Ю	Д	М	Т	О
«Динамо» К.	7	4	2	1	11	16
«Днепр»	7	3	3	1	10	6
«Кавказ»	7	3	3	1	12	10
ЦСКА	6	3	2	1	10	6
«Черноморец»	7	2	4	1	11	8
«Зенит»	6	1	5	0	6	7
«Динамо» М.	7	1	5	1	7	5
«Кавказ»	7	2	3	2	7	6
«Шахтёр»	7	2	3	2	5	7
«Арат»	7	2	2	3	7	8
«Пахтакор»	7	2	2	3	11	12
«Нистру»	7	2	2	3	6	8
«Спартак»	6	2	1	3	3	5
«Динамо» Тб.	6	1	3	2	3	5
«Заря»	7	0	4	3	6	10
«Торпедо»	7	1	2	4	1	4

РЕДАКТОР
А. ИСМОИЛОВ.

Янги шеърлар

ЛИРИК САТРАЛАР

Юрагимда ширин ўйлар мўл,
Завқ-шавқдан айланар бошим.
Мен босайин олис-олис йўл,
Тўқсин қувиб, дарёдай тошиб.
Тошай, суним ер шизсин токи,
Ер бағрига синиб кетайин.
Булроқ бўлай, дур бўлай ёки,
Лекин, бахтга етишим тайин.

Мен шундайин шўх қулайки,
Акс тоғлардан осини.
Қояда мағрур турайки,

Бургут йўлдан адапсини.
Сочинин авайлаб тарайман,
Беркиб учтўрт оқларин.
Ойнага гоҳ маюс қарайман,
Орулаб ёлқиннинг тоғларин.
Ойнадан боқсам гар онамга,
Юрагим оранқиб кетам.
Қумуш нур таралиб хонамга,
Қўнғилиннинг дарин ҳам битам.

НИЛУФАР.

ШОДЛИК

(Қишлоқ қиз тилидан).

Мен — қишлоқ қизман, ойнага кунда,
Қарашга вақтим йўқ, очини айтмай.
Пайт топиб сочинин хаттонин тунда,
Тарашга вақтим йўқ, очини айтмай.

Балки бу сўзларим туюлар эриш,
Балки қуларсин ҳам, дилсин экан, деб.
Йўқ, асли инсоннинг чиройидир иш.
Шундир ҳар бир қизга ярашганлик сеп.

Мен эса чопаман фермага қараб,
Гоҳида далага — пахтазор томон.
Мурғак гўзаларга зилот суз тараб.
Тонгин қаринлайман, гоҳида шодмон.
Қурак келганда, Турсуной онам,
Давлатини, шухратин тақдорлагум бор.
Асли ҳуснин топар меҳнатдан одам,
Меҳнатсиз ким тоғдай эътибор?!

Мен қишлоқ қизман...
Икром СУЯРҚУЛОВ.

РАҚҚОСА

Сен бамисоли оловсан, жонон,
Кийиминг ҳам олов рангинда.
Шамолдаги алаңасмон
Йўрғалайсан кун оҳангиди.
Силқинганда ажуздин майин
Чайқалади хислар денгизин.
Сехрлайсан ўйнаган сайин
Бутун шалии, мени Шарқ қизин.
Шарқ қушин берган каби ҳал
Рақсингда ҳам қайноқ бир дунё.
Эркалайсан қалбининг гўзал,
Мўъжизакор эртадай гўё.
Алвар ИМИНОВ.

И. ПОРТНОВ фототюди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОМЛАР

Биринчи ПРОГРАММА, 9.55 — Тошкент, 10.00 — Янгилар, 10.10 — Қўнғирчоқ фильм, 10.30 — Эран хандас, 11.00 — Москва, 11.35 — Тошкент, 11.45 — Қўнғирчоқ фильм, 11.55 — «Войсач», 12.30 — «Фан программаси, 12.55 — «Ешлик» студияси кўрсатади, 13.35 — Оламга сайхат, 13.45 — «Ахборот», 13.55 — «Идеология ва ҳаёт», 14.10 — «Ахборот», 14.30 — Республика областлари телефестивали, Эранда — Бухоро области, 15.00 — «Вакт», 15.30 — Халқ номзодлари (телеочури), 15.40 — Ўзбекистон халқ шоири Уйғун (адабий портрет), ИККИНЧИ ПРОГРАММА, 16.00 — Тошкент, 16.10 — Қўнғирчоқ фильм, 16.35 — Москва, Бегонлар (бадиий фильм), 17.20 — Цирк сахнасида, 17.45 — Мультифильмлар, 18.20 — СССР — Австрия ҳамкорлик алоқалари, 18.50 — 1974 йил кўшиқлари, 19.20 — Мўъжизасиз мўъжизалар, 20.00 — Искендунинг алван лолалари (бадиий фильм), 22.00 — Буни ҳамма билсин керак, 22.30 Москва кўрсатади.

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИИ КАТТА ТЕАТРИДА — 25/В да Севиля сартароши, 26/В да Норсар.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИИ ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/В да Оқшомдан тушганча, 26/В да Йўлдан узун.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 25/В да Жонин Фидо, 26/В да Ҳикрон

КИНО

Қизил бодрезак — «МН», С. РАҲИМОВ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (рундуз ва кечкурун).

Мен чегарада хизмат қилман — ҲАМЗА НОМИ (рундуз ва кечкурун).

Пан Воннинг тўйи — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (рундуз ва кечкурун).

Бера ҳаёт бўлсин деб — «ВОС-ТОК» (рундуз ва кечкурун).

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОГИДА

25 МАЙ КЕЧ СОАТ 8 ЯРИМДА

Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган артистлар ТАВАККАЛ ҚОДИРОВ ВА ЖУМАНАЗАР БЕКНУНОВ иштирокида

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАНАШАДИЛАР:

Солистлар: Алишон ҲАСАНОВ, Азим АЗИЗОВ, Анвар ТИЛЛАЗАРОВ, Ҳалича АЛИМАРДОНОВА ва бошқалар.

Музика раҳбари — Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Зайтуна ТОНИБОЕВА олиб боради.

26 МАЙ КЕЧ СОАТ 8 ЯРИМДА

Еш хонада

Ортик ОТАЖОНОВ иштирокида

КАТТА КОНЦЕРТ

БОҒИМИЗГА МАРҲАМАТ, ҚУШНИК ВА РАҚС ШАЙДОЛАРИ!

Билетлар сотилмоқда.